

## ИНСОН АЪЗОЛАРИ ВА ТЎҚИМАЛАРИНИНГ ТРАНСПЛАНТАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ (Инсон буйраги мисолида )

*Илмий раҳбар: Тошкент давлат стоматология институти катта ўқитувчиси*

**Нуримова Дилором Мажидовна**

*Тошкент давлат стоматология институти 1-курс талабаси*

**Насырова Мадина Одилловна**

**Аннотация:** Ушбу мақолада инсонларнинг айрим касалликлар оқибатида буйрак аъзосининг зарарланиш сабаблари ҳамда уларни трансплантация қилиш ҳамда инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар ва асослар ёритилган.

**Калит сўзлар:** инсон аъзолари, тўқималар, реципиент, инсон буйраги, трансплантация, донорлар, тирик донор, инсон мурдаси, жарроҳлик операцияси, донорликка оид чекловлар.

**Аннотация:** В данной статье описаны причины поражения почек, вызванные некоторыми заболеваниями человека, а также правоотношения и основы в области трансплантации и трансплантации органов и тканей человека.

**Ключевые слова:** органы человека, ткань, реципиент, почка человека, трансплантация, доноры, живой донор, труп человека, хирургическая операция, ограничения на донорство.

**Abstract:** This article describes the causes of kidney damage caused by certain human diseases, as well as legal relations and foundations in the field of transplantation and transplantation of human organs and tissues.

**Key words:** human organs, tissue, recipient, human kidney, transplantation, donors, living donor, human cadaver, surgical operation, restrictions on donation.

Бугунги кунда инсонлар ҳаётини хавфсизлигини таъминлашда соғлом турмуш тарзини қанчалик тағиб қилишга қарамасдан касалликлар сони ва тури ортиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, дунё аҳолиси 8 миллиардан ошди. Жумладан Ўзбекистон аҳолиси 37 миллиондан ортганлигини статистик маълумотлардан кўришимиз мумкин. Шундай экан дунё миқёсида инсонларнинг соғлиги уларнинг жамиятда соғлом турмуш тарзини кечириши ҳамда дунёда бой бўлиш учун эмас балки бахтли ҳаёт кечириш борасидаги масалалар барча мамлакатлар олдида турган энг муҳим масалаларга айланмоқда.

Шундай экан, ҳар бир дунё мамлакатини ўзининг халқи ва келажак авлоди учун зарур шарт-шароитлар яратишга ҳаракат қилади. Бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлардан асосий кўзланган мақсад инсон кадрини юксалтириш ва эркин фуқоролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этишдан иборатдир.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил

28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонининг 56-мақсадида Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини сақлаш

ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш дастурини

2022-2023 йилларда амалга оширишга қаратилган комплекс

чора-тадбирларни, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасини рақамлаштиришнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш ҳамда 79-мақсадида аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш каби вазифалар белгиланган.

Бироқ бугунги кунда гиёсий вазиятлар, ижтимоий шарт-шароитлар

ва табиат структурасининг бузилиши каби омиллар инсон организмдаги барча аъзоларга таъсирини кўрсатмай қолмаяпти.

19-асрнинг охири -20 асрнинг бошларида Бутунжаҳон врачлар ассоциацияси томонидан, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан инсон органлари, тўқималарини ва хужайраларини трансплантация қилиш бўйича бир қатор принцип ва деклорациялар ишлаб чиқилган.

Шу ўринда инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантация қилиш ўзи нима?, қандай амалиётлар бажарилиши мумкин? ва унинг объектив заруриятлари нималардан иборат эканлигига тўхталиб ўтсак.

Инсон органлари ва тўқималарини трансплантасия қилиш — ҳеч қандай тижорат ёки ғаразғўйлик мақсадларсиз келишилган розилик асосида инсоннинг ҳаётлигида ёки унинг жасаидан органлар

ва тўқималарни тиббий йўл билан жарроҳлик операсияси ёрдамида амалга ошириладиган жараён дир. Трансплантациянинг энг кенг тарқалган тури қон қуйишдир. Ҳар йили миллионлаб беморларни даволаш учун қон қуйиш қўлланилади. Орган трансплантацияси, қон қуйишдан фарқли ўлароқ, иммун тизимини (иммунитетни сусайтирувчи воситалар, шу жумладан кортикостероидлар) ва инфекция эҳтимоли, трансплантация қилинган органни рад этиш ва бошқа жиддий асоратларни, шу жумладан ўлимнинг олдини олишга қаратилган катта жарроҳлик муолажасидир. Ҳаётини органи ишламай қолган беморлар учун трансплантация омон қолишининг ягона имконияти саналади.

Тирик донорлардан олинган тўқималар ва органлар одатда соғломлиги сабабли афзал ҳисобланади. Кўп ҳолатларда илдиз хужайралари (суяк илиги ёки қондан) ва буйраклар тирик донорлардан олинади. Одатда, буйракни донордан хавфсиз олиш мумкин, чунки тананинг иккита буйраги бор ва ҳатто битта буйрак билан ҳам нормал ишлашга қодир. Тирик донорлар жигар, ўпка ёки ошқозон ости безининг фақат бир қисмини беришлари мумкин.

Тирик донорлардан олинган органлар одатда йиғиб олингандан кейин бир неча дақиқада трансплантация қилинади. Ҳозирги вақтда мамлакатда тиббиёт соҳасидаги трансплантасия институтини тартибга солувчи

норматив-хужжатлар базасини такомиллаштириш ва ривожлантириш борасида бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Амалдаги тартибга кўра, инсон органлари ва тўқималарини трансплантасия қилишни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Буйрак ва (ёки) жигар бўлаги ҳамда гемотопоестик суяк кўмиги ўзак хужайраларини трансплантасия қилиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида”ги № 859-сон қарорида қуйидаги қоидалар келтирилган:

- Умумий қоидалар
- Трансплантасияга нисбатан кўрсатма ва қарши кўрсатмалар
- , Трансплантасияни бажариш тартиби ва яқунловчи қоидалар ўз аксини топган.

Мазкур қонун ҳужжатида трансплантацияни амалга ошириш жараёни, стандартлар ва ўзаро муносабатлар ўз аксини топмаганлиги сабабли, Жаҳон тиббиёт ассоциацияси ва ЖССТнинг расмий ҳужжатлари билан тартибга солинадиган органлар ва тўқималарни трансплантасия қилиш тартибини ҳисобга олиб халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқиладиган






ва тижоратлаштирилишини умуман истисно этадиган “Инсон органлари, тўқималари ва (ёки) хужайраларини трансплантасия қилиш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш ва амалиётга татбиқни тақозо этди.

Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 майдаги “Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантация тўғрисида”ги ЎРҚ-768 сон Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонунга асосан инсон аъзолари

ва тўқималарининг трансплантация қилишга оид муносабатлар белгилаб берилган.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси соҳасидаги ваколатлари этиб белгиланди.

Шунингдек ушбу Қонун нормалари асосида қуйидаги тушунчалар аниқ қилиб белгилаб берилди (1-расм).

|   |  |
|---|--|
|  <p><b>инсон аъзоси</b> — инсон организмда муайян вазифани бажарувчи турли хил хужайралар ва тўқималарнинг алоҳида мажмуи</p>  |  <p><b>инсон тўқимаси</b> — умумий келиб чиқиши, тузилиши ва инсон организмда бажарадиган вазифаларига кўра бирлашган хужайралар ҳамда хужайралараро моддалар мажмуи</p>                      |
|  <p><b>реципиент</b> — ўзига нисбатан инсон аъзосининг ва (ёки) тўқимасининг трансплантацияси бажариладиган инсон</p>  |  <p><b>тирик донор</b> — ўзидан аъзоларнинг ва (ёки) тўқималарнинг трансплантация учун олинишига ихтиёрий равишда, бепул асосда, нотариал тартибда тасдиқланган ёзма розилик берган инсон</p> |
|  <p><b>трансплантация</b> — реципиентда мавжуд бўлмаган ёхуд шикастланган, ўзининг муҳим ҳаётий вазифаларини бажаришга қодир бўлмаган аъзоларни ва (ёки) тўқималарни тирик донордан ёки инсон мурдасидан олинган аъзоларга ва (ёки) тўқималарга жарроҳдик амалиёти ёки муолажа ўтказиш йўли билан алмаштириш</p> |  |


## 1-расм. Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантациясига оид асосий тушунчалар

Таъкидлаш жоизки мазкур Қонуннинг 9-моддаси “Инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантацияси шартлари” нормаси киритилган бўлиб ушбу шартга асосан тирик донордан ёки инсон мурдасидан аъзоларни ва (ёки) тўқималарни трансплантация қилиш фақат бошқа жарроҳлик амалиётлари ёки муолажалар реципиент ҳаётини сақлаб қолишни ёхуд унинг соғлиғи тикланишини кафолатлай олмаган тақдирда қўлланилиши мумкинлиги белгиланган.

Шунингдек, инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини реципиентларга трансплантация қилиш инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантацияси зарурлиги тўғрисидаги тиббий хулоса асосида амалга оширилиши белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга асосан донорликка оид чекловлар белгиланиб, қуйидагиларга нисбатан инсон аъзоларини ва тўқималарини олишга йўл қўйилмайди

(2-расм).



## 2-расм. Донорликка оид чекловларнинг турлари

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида шундай хулоса қилишимиз мумкинки аввало инсонлар ўз ҳаётлари учун соғлом турмуш тарзини танлашлари, ўз саломатликлари учун қайғуришлари касалликни даволашдан кўра олдини олиш афзаллиги каби тушунчаларни ўзлари учун кундалик режаларига киритиб боришлари. Ўз вақтида дам олиш, спорт билан шуғулланиш витамингҳнга бой озуқаларни истеъмол қилиш ва табиат қўйнида ҳеч бўлмаганда йилда бир мартаба ҳаво алмаштириш учун саёҳатларга бориш каби кундалик ҳаёт тарзларини ўзгартиришлари мақсадга мувокиф. Бизнинг фикримизча барча инсонлар шундагини оллох берган буюк неъмат бўлган барча аъзоларини тоза ва эҳтиёт сақлашлари керак бўлади. Шундагина барча аъзолар юрак, жигар буйрак в.х.к органларимизни доимо биз учун узоқ йиллар хизмат

қилишларига ҳеч қандай трансплантацияларсиз яшаш имкониятига эга бўлишимиз мумкин бўлади. (3-расм).



**3-расм. Инсон аъзолари ва тўқималарининг трасплантациясига таййоргарлик жарайони**

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантация тўғрисида”ги ЎРҚ-768-сонли Қонуни. 2022 йил 12 май.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонининг 2022 йил 28 январ.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Буйрак ва (ёки) жигар бўлаги ҳамда гематопозтик суяк кўмиги ўзак хужайраларини трансплантасия қилиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида”ги № 859-сон қарори. 2017 йил 23 октябрь.
4. [https://uz.wikipedia.org/wiki/Inson\\_organlari\\_va\\_to%27qimalarini\\_transplantasiya\\_qilish](https://uz.wikipedia.org/wiki/Inson_organlari_va_to%27qimalarini_transplantasiya_qilish).
5. <https://study.com/academy/lesson/the-kidney-major-divisions-structures.html>